

2-25-2020

THE HISTORY OF SOVET“S GOVERNMENT POLITICAL REPRESSION AGAINST THE OPPOSITION IN UZBEKISTAN

Soibjon Xoshimov

Dosent at the Department of history of Uzbekistan Andijan State University, candidate of historical sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

Recommended Citation

Xoshimov, Soibjon (2020) "THE HISTORY OF SOVET“S GOVERNMENT POLITICAL REPRESSION AGAINST THE OPPOSITION IN UZBEKISTAN," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК:94(575.1)КБК:63.3(5У)

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ МУХОЛИФАТГА
ҚАРШИ ЮРИТГАН ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ТАРИХИДАНИЗ ИСТОРИИ ПОЛИТИКИ РЕПРЕССИЙ СОВЕТСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА
ПРОТИВ ОППОЗИЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕTHE HISTORY OF SOVIET'S GOVERNMENT POLITICAL REPRESSION AGAINST
THE OPPOSITION IN UZBEKISTAN*Хошимов Соибжон**АДУ Ўзбекистон тарихи каф. доц., т.ф.н.*

Аннотация. Мақола ХХ асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда фаолият олиб борган “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” ташкилотларининг турли вилоятлардаги бўлимлари фаолияти ва уларнинг аъзоларига нисбатан совет ҳокимияти олиб борган сиёсий қатағонлар тарихига бағишланган.

Таянч сўзлар: Мухолифат, “Турк республикаси”, “Турк партияси”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол”, коммунистик партия, қатағон, сиёсий қатағон.

Аннотация. Данная статья посвящена деятельности областных филиалов организаций “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” и об истории политической репрессии советского правительства членов этих организаций.

Ключевые слова: Оппозиция, “Тюркская республика”, “Тюркская партия”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол”, коммунистическая партия, репрессия, политическая репрессия.

Annotation. This article is devoted to the activities of the regional branches of the Milliy Ittihod, Milliy Istiqlol organizations and the history of the political repression of the Soviet government to members of these organizations.

Key words: the opposition, Turk Republic, Turk Party, Milliy ittikhod, Milliy istiklal, communist party, repression, political repression.

Кириш. Истиқлол йилларида совет ҳокимияти мавжуд бўлиб турган давр тарихини (1917 - 1991 йй.) асл манбалар, тарихий ҳужжатлар ва адабиётлар таҳлили асосида объектив, ҳолисона ўрганиш борасида сезиларли илмий ютуқлар қўлга киритилди. Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, тоталитар тартиб, буюк давлатчилик сиёсати юритилган жамиятда дискриминация сиёсатини қўллаш орқали давлатчилик асосларини сақлаб қолишга томон йўл очиб борилган. Аввало, “Қатағон” атамаси ва унинг моҳияти ҳақида мухтасар фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

ХХ асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам тадқиқотчиларни диққат марказидаги мавзулардан бири ҳисобланади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқ бўлган “аксинкилобий” деб номланган айблов юзага келди. Сиёсий мухолифатга нисбатан совет давлатининг мажбурлов чоралари кенг қўлланила бошлади.

ХХ асрнинг 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, тоталитар жамиятнинг хусусиятлари тобора ошқора кўрина бошлади. Бу ҳолат, айниқса, миллий республикалардаги большевиклар партияси олиб бораётган сиёсатдан норози бўлиб, ўз юрти ва халқининг миллий манфатларини ҳимоя қилиб чиққан раҳбар ходимларга, мухолифат ҳаракати вакиллариға муносабатда яққол намоён бўлди. Бундай юрт фидойилари совет органлари томонидан оғмачилик ва бузғунчиликда айбланиб, миллатчи ва аксинкилобчи сингари асосиз бўҳтонлар билан бадном қилиндилар. Совет режимининг қатағон сиёсатини

даставвалида мавжуд тузумга муҳолифатда турганларга қарши қаратилган бўлса, 30-йиллардан бошлаб, ўз халқига нисбатан оммавий террорга айланди.

1920-1930 йилларда большевикларнинг мафкуравий қарашлари ва пролетариат диктатураси, синфий кураш ғояси миллий республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам сиёсий муҳолифатни майдонга келтирди. Ўзбекистонда муҳолиф кучлар совет ҳокимияти тизимида оғир шароитларда гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона фаолият олиб борганлар. Бу ҳаракатнинг асл маъносини англаувчи “муҳолифат” сўзи аслида арабча “муҳолиф” сўздан олинган бўлиб, “қарама-қарши”, “итоат қилмаслик”, “қарши чиқувчи”, “қарши” маъноларини англатади[1.656].

Муҳолифат кураши миллий арбоб Турор Рискулов киритган ва 1920 йил 20-27 январда ТКП Ўлка Комитети Муслмонлар бюросининг III конференцияси ва Туркистон Компартиясининг V ўлка конференцияси резолюциясида маъқулланган Туркистон Совет Республикасининг номини “Турк республикаси” деб аташ таклифида намоён бўлади. Тарихчи олима Д.Зиёева ўринли таъкидлаганидек, совет ҳокимияти йилларида муҳолифатнинг бу хатти-ҳаракати “Турк республикаси” тузиш ва “Турк партияси” ташкил этишни кўзлаган миллатчилик, оғмачилик руҳидаги қарашлар деб қораланди. Аслида бу ҳужжат ўлкада деярли қаршиликка учрамаган, давлат мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритиш имконини берувчи муҳим расмий ҳужжат эди[2.70-71].

Турккомиссияни бадном этувчи материалларни Москвага билдириш ва Туркистон билан РСФСР ўртасидаги муносабатларни аниқлаб олувчи бир қанча масалаларни юқори ҳукумат олдига қўйиш учун Москвага вакиллар юборилади. “Биз РСФСРдан тўла мустақилликни, амалда Туркистонни ажратиб олиш масаласини қўйган эдикки, кейинчалик Туркистонни капиталистик давлатга айлантиришни кўзда тутган эдик, - деб кўрсатма берган эди Садулахўжа Турсунхўжаев[3.34-36].

Бироқ марказ томонидан Туркистон вакилларининг талаблари рад этилиши билан бир қаторда у бирмунча ён босишга мажбур ҳам бўлади. Маҳаллий миллат вакиллари 1920 йил ўрталаридан бошлаб, раҳбарлик лавозимларига бирмунча кўпроқ кўтарила бошлади. Масалан, ТКП МКнинг маъсул котиби қилиб Назир Тўракулов, ТуркМИК раиси этиб Абдулла Раҳимбоев тайинланди[3.36]. Бироқ, Турккомиссия миллий арбобларнинг эркин фаолият юритишига тўғаноқ бўлади: 1920-1924 йиллар мобайнида С.Турсунхўжаев Бухоро амирлигига қарши курашга жалб этилди, “қўпол хатолари учун” ТКП МК котиби Н.Тўракулов, Туркистон Автоном Республикаси ХКК раиси Қ.Отабоев ва ТАССР МИК раиси А.Раҳимбоев эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди[4.175], Туркистон АССР МИК раиси Иномжон Хидиралиев ўз вазифасидан олиниб, Москвада Туркистон АССР МИК ва ХКСнинг РСФСР ҳукуматида мухтор вакили вазифасига[5.7-8], Т.Рискулов Коминтерннинг Ўрта Шарқ бўлимига чақириб олинди[4.175]. Марказ томонидан ҳокимият тизимидаги ерли халқ вакилларининг ҳар қандай муҳолиф чиқишларига чек қўйилди.

Туркистон ўлкаси халқларининг сиёсий уйғонишида муҳим роль ўйнаган ташкилотлардан бири “Иттиҳод ва тараққий” (“Тараққийпарварлар уюшмаси”)дир. “Иттиҳод ва тараққий” дастлаб 1914 йил Андижонда ташкилланади[6.227]. Тошкентда эса 1917 йил августда ташкил топган. Махфий органлар жадидлар ва уларнинг ташкилоти “Иттиҳод ва тараққий”га таъкиб ва тазйикни кучайтирадilar. Ана шундай шароитда ташкилот Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг ташаббуси билан ўз номини ўзгартириб, “Миллий иттиҳод” (ёки “Иттиҳоди миллий”) деб атала бошлади.

“Миллий иттиҳод”нинг Бухоро бўлимини Мукомил Бурхонов, Абдурахим Юсуфзодалар бошқарган. “Миллий иттиҳод”чилардан Муинжон Алимов, Ота Хўжаев, Мусо Саиджонов, Саттор Хўжаев, Мухторжон Саиджонов, Наимжон Ёқубзода, Мукомил Бурхонов, Мухаммар Бурхонов, Масхар Бурхонов, Раҳматулла Музаффаров, Абдирашид Мукамилов, Хамро Хўжаев, Порсо Хўжаев, Абдулла Абдуллаев, Мисбах Бурхонов, Ахмаджон Абдусайдов ва Абдурахим Юсуфзодадан иборат 17 нафар миллий зиёли 1937 йил 14 октябрда НКВД учлигининг № 24 баённомаси 615-сонли иши бўйича уларга тегишли мол-мулки мусодара этилган холда, отув жазоси тайинланади[8.1-6].

Акбар Ўразалиевнинг 1935 йил 14 сентябрдаги тергов жараёнида берган кўрсатмаларида Андижонда “Миллий иттиҳод” ташкилотининг фаол аъзолари Шамси Нажмиев, Бурҳон Машрабий, Наби Расулзода, Убайдулла ҳожи, Абдулла ҳожи, Абдулхай Аюбий, Вали Максудий, Сайфи Зиёев, Сайфи Камол, Мактубахон Каримхўжаева, Абдумуталиб Қорамандиев, Қоризода Маҳмуд, Исоққори Каримов, Мухторжон Олимов, Хазабжон Иброҳимов, Усмонжон Сарқоров, Олимжон Сарқоров, Зиёвуддин Маҳсим Мавлон Қозиевлар бўлган[6.237-238]. Фаолларидан Зокир Нусратий “Миллий иттиҳод” ташкилоти топшириғи бўйича Парпи ва Маҳкам кўрбошиллар билан алоқада ва ҳамкорликда бўлганликда айбланиб, ОГПУ коллегияси уни 3 йилга озодликдан маҳрум қилган[9].

Балиқчи туманида ҳам “Миллий иттиҳод” ташкилоти фаолият олиб борган. Ташкилот раҳбари Қутб Нажми бўлиб, унинг уйида 1927 йилда ҳам Кўқондаги “Шўрои Исломи” аксилинқилобий ҳукуматининг муҳри ва бошқа ҳужжатлари сақланган. Суд ишида Каипов (собик Балиқчи туман партия комитетининг секретари) бошлиқ бир гуруҳ кишилар “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси сифатида А.Икромов, Ф.Хўжаевларнинг аксилинқилобий ҳаракатларини кўллаб-қувватлаб турганликда айбланадилар. Халқ душмани сифатида М.Султонов, И. Худойбердиев, Эшон Мутуллаев, Ю.Аминов, К.Ҳамидов, А.Чаваровлар олий жазо – отувга, М.Мирсаидов 20 йил, М.Турдикулов 15 йилга, И.Қирғизбоев ва М.Шамирсайдовлар 10 йилга, Д.Азимов 5 йилга, А.Мирзалимов 3 йилга камок жазосига ҳукм қилинади[10].

1924-1925 йиллар миллий-худудий чегараланишидан сўнг ҳам советларга қарши миллий сиёсий муҳолифат кураши давом этади. 1925 йилда Мунаввар Қори ташаббуси билан “Миллий иттиҳод” “Миллий истиқлол” номи билан қайта ташкил этилди. Ўзбекистон жаҳидлари мустақил Ўзбекистон учун курашни стратегик мақсад қилиб қўйдилар. “Миллий иттиҳод”нинг ташкилий тизими, кураш усуллари “Миллий истиқлол”да ҳам сақланиб қолди. “Миллий истиқлол”нинг марказий бошқаруви Лазиз Азиззода, Салимхон Тиллахонов ва Ғофуржон Мусахоновлардан иборат бўлди. Амалда раҳбарликни Мунаввар Қорининг ўзи олиб борган[12.11-15]. “Миллий истиқлол” ташкилотининг Наманган, Андижон, Самарқанд бўлимлари ҳам бўлган. Ташкилот ўта махфийликда фаолият юритди.

“Миллий истиқлол”нинг Наманган бўлимига Зайнутдин Қори Насритдинов раҳбарлик қилган. Унинг фаол аъзолари Ақром Исматуллаев, Р.Б.Ризаев, М.Г.Дадамўхаммедов, Ф.Исматуллаев, И.К.Отабоев, Жамол Садиев, Насимжон Маҳмудов, Ф.Усмонов, А.Мусабоев, А.Х.Ғофуров, А.Зайнутдинов ва бошқалар омма орасида коммунистик партиянинг руслаштириш сиёсатини фош этишда жонбозлик кўрсатганлар[13.26]. Косонсой бўлимида Абдуллабек Мусабоев раҳбарлигида Абдулаҳад Маъруфжонов, Хамрокул Камолов, Шоқобул Камолов, Исмат Обиддинов, Эргаш Нурмуҳуммедовлар фаолият олиб борган. Гуруҳнинг диққатга сазовор ишларидан Фарғона водийсидаги қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларига ёрдам кўрсатганликларини қайд этиш мумкин[13.27].

Ташкилотнинг Андижон бўлимини Ҳасанхон Ниёзий бошқарган. Ташкилот ўта махфий фаолият юритиб, 1930 йилга қадар муҳолифат куч сифатида мустабид тузумга қарши зимдан кураш олиб борган[14.67-78]. “Миллий иттиҳод”га мансубликда айбланиб, совет жазо органлари томонидан қатағон қилинган яна бир андижонлик Жумабек ҳожи Парпибоевдир[6.292-294]. «Миллий истиқлол»нинг Фарғонада ҳам гуруҳи бўлиб, унинг аъзолари “Кўр каламуш” тамғаси билан камокқа олинган[15.89-90;19-20].

1929 йилда “Миллий истиқлол” ташкилоти фаолияти ҳам ОГПУ саъй-ҳаракатлари ўлароқ фош этилган. Жами 87 киши қўлга олинади, Тошкент ва Москва камокхоналарида тергов қилиниб, 1931 йил 25 апрелда ташкилот аъзолари устидан ҳукм чиқарилди. Коллегия “Миллий истиқлол” иши бўйича айбланганларнинг 21 тасига отув (шундан 6 нафарини отув ҳукми 10 йиллик камок билан алмаштирилган), 26 тасига 10 йиллик, 20 тасига 5 йиллик, 15 тасига 3 йиллик муддат билан концлагерга юбориш, 4 тасига СССРнинг 12 та белгиланган шаҳарларида яшашдан маҳрум этилган ҳолда камокдан озод қилиниши ҳақида ҳукм чиқарилади, фақатгина сиёсий бошқарма айғоқчиси Мадхуддин Муҳаммедов озод

қилинган[15.127-135]. Олий жазога ҳукм қилинганлар Тошкент ва Москвада отиб ташланади.

Бирлашган бош сиёсий бошқарма ҳайъатининг А. Хўжахонов, У. Тўхтаўжаев, И. Иброҳимов, Ҳ. Хоний, З.К. Насритдинов, М.Г. Дадамухаммедов ва А. Мусабековларни отувга ҳукм этиш ҳақидаги қарори 1931 йил 3 июнда ижро этилган. Аммо Мунаввар Қори, С. Тиллахонов, Ф. Икромов, М. Каримов, Т. Мусабоев, Т.Х. Мақсудов, Н. Шораҳмедов ва С. Ахрорийга нисбатан ҳукм ижро этилгани ҳақида маълумот йўқ. Бироқ кундалик матбуот воситаларидан олинган ахборотга кўра, 1930-1940 йилларда отилиб, Москвадаги Ваганково қабристонига яширинча кўмилган одамлар рўйхати эълон қилинади. “Вечерная Москва” газетасининг 1992 йил 25 майдаги сонидан отилган тўққиз кишининг рўйхатида С. Ахрорий, Мунаввар Қори, С.Тиллахонов, Т. Мақсудов, Н. Шораҳмедов [16.20]лар бўлган. Ҳайъатнинг 1932 йил 14 январдаги қарори билан К. Қосимов ва Т. Охунжоновлар Сибирь ўлкасига уч йиллик сургунга жўнатилган. 26 майдаги қарорга кўра, П. Ҳожибоев, 1933 йил 20 январда эса И. Обиддинов Шимолий ўлкага уч йилга бадарға қилинган. 22 февралда М.Абдуллаҳўжаев СССРнинг 12 та белгиланган шаҳарларида яшаш ҳуқуқисиз қамоқдан озод қилинган.

1933 йил 10 мартда Абдулла Раҳматзодани қамоқдан озод қилиш ва Шимолга уч йилга бадарға қилишга ҳукм чиқарилган, 31 мартда И. Исломов ва Н. Ақромовлар қамоқдан озод қилиниб, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва унга чегарадош районларда уч йил муддатга яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1933 йил 10 майда О. Ҳакимов Шимолий ўлкага уч йил муддатга бадарға қилинган, бироқ бу ҳукм 4 августда бекор бўлган. 1933 йил 25 майда А. Мадалимов, 4 июнда Ҳ. Салоҳиддинов, 9 июлда У. Сулаймонов, 22 августда И.К. Отабоев, А. Карамановлар шартли равишда қамоқдан озод қилинганлар. 1934 йил 25 майда У. Хўжаевга берилган 10 йиллик қамоқ жазоси 7 йилга ўзгартирилган. 1936 йил 27 майда О. Ёқубов озод қилинган[15.135-148;24].

Архив ҳужжатлари маълумотларига кўра, А. Қаҳҳоров ва У. Ҳамидовлар яширин ташкилот ҳақида ўз вақтида ОГПУнинг Фарғона сиёсий бошқарма бўлимига маълумот етказиб турган. Улар шу боис тутқунликдан озод қилинган[15.139]. Қамоқдан озод қилинган ёки жазо муддатларини ўтаб қайтган ташкилот аъзолари қатағоннинг энг юқори босқичига кўтарилган 1937-1938 йиллардаги “катта террор” кампанияси даврида, қайтадан қатағон домига тортилдилар[14.13-437]. Уларнинг аксарияти мол-мулкни мусодара қилинган ҳолда олий жазо-отувга, айримлари эса 10 ёки 8 йиллик қамоқ жазоларига ҳукм этилган.

1957 йил 5 сентябрдаги Ўзбекистон ССР Олий суди жиноий ишлар суд коллегиясининг ажримига кўра, ОГПУ нинг 1931 йил 25 апрелдаги 85 нафар “Миллий истиқлол”чилар устидан чиқарган ҳукми бекор қилинди, уларнинг табаррук номлари оқланди.

Хуллас, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда истиқлол, миллий озодлик учун кураш олиб борган миллий сиёсий муҳолифатда бўлган партия ва ташкилотлар ҳамда раҳбар ходимлар жуда оғир шароитда фаолият юритдилар. Чунки Ўзбекистонни ўзининг темир панжалари остида сақлашни бош мақсад қилиб қўйган совет ҳокимияти миллий сиёсий муҳолифатнинг эркин фаолиятига йўл бермас эди. Уларга қарши тазйиқ ва таъкиблар советлар томонидан доимий суратда кучайтирилиб борилди. Шундай бўлса-да, миллий истиқлол, эрк ва озодлик фидойилари бор куч ва имкониятларини ишга солиб, совет тузумига қарши кураш олиб бордилар. Бироқ улар озодлик учун курашда қатағон қурбонларига айландилар.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. II-жилд. 1981; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006.*
2. *Зиёева Д.Х. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари. //Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Тошкент: Фан, 1996.*
3. *Шамсутдинов Р., Убайдуллаев Ў. Ҳурлик туйғуси билан яшаган эди. //Ўзбекистон матбуоти. №5. 2002*
4. *Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида...*
5. *ЎзР МДА, 13 – фонд, 1- рўйхат, 124-иш*

6. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001.
7. Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Хотираларим. “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат Фонди архивидаги ЎзР ДХХА 7575-фонд, 1-рўйхат 615-иш.
8. Шамсутдинов Р. Қисмат. Тарихий очерк. //Андижоннома, 2003 йил 5,8-ноябрь.
9. Правда Востока 1937 год 12 ноября.
10. ЎзР МДА, 344-фонд, 1-рўйхат, 215-иш.
11. РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 310-иш.
12. РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 194-иш.
13. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана 1937 год, ноябрь (Составители: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Мамажонов А., Дўстматов Э.П.). – Тошкент: Шарқ, 2007.
14. РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 310-иш.; Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий мухолифот ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида).: Тарих фан. номз. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2004.
15. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий мухолифот ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида).: Тарих фан. номз. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2004.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИННОВАЦИЯ АСОСИДА
БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ
НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИЙ

HIGHER EDUCATION MANAGEMENT FEATURES
BASED ON INNOVATION

Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович
БухДУ иқтисодиёт каф. доц. (PhD)

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларини инновация асосида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари санаб ўтилган. Олий таълим тизимида илмий-инновацион фаолиятни амалга ошириш тамойиллари, инновацион фаолиятни самарали ривожлантиришида ўзига хос муаммолар мавжудлиги ҳамда бу муаммоларни ҳал этишида ОТМ ҳал этиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, ОТМ тизимида инновацион олий таълим хизмати лойиҳалари икки йўналишида (ОТМ миқёсида тизимли аҳамият касб этувчи лойиҳалар; ОТМнинг устувор йўналишлари бўйича инновацион лойиҳалар) ишлаб чиқиляётганлиги айтиб ўтилган.

Таянч сўзлар: олий таълим муассасалари, инновация, ахборот, илмий салоҳият, инновацион фаолият, инновацион салоҳият, инновация асосида бошқариш.

Аннотация. В статье перечислены особенности инновационного управления высших учебных заведений. Система высшего образования имеет принципы осуществления научной и инновационной деятельности, конкретные проблемы эффективного развития инновационной деятельности и проблемы, которые должны решать вузы. Также отмечается, что ВУЗ проектирует развитие инновационных услуг высшего образования в двух областях (систематически важные проекты ВУЗа; инновационные проекты в приоритетах ВУЗа).

Ключевые слова: высшие учебные заведения, инновации, информация, научный потенциал, инновационная деятельность, инновационный потенциал, инновационное управление.

Annotation. The article lists the features of innovative management of higher education. The higher education system has the principles for the implementation of scientific and innovative activities, specific problems of the effective development of innovative activities and the problems that universities must solve. It is also noted that the university is designing the development of innovative higher education services in two areas (systematically important projects of the university; innovative projects in the priorities of the university).

Key words: higher education institutions, innovations, information, scientific potential, innovative activity, innovative potential, innovative management.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириляётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ҳозирги даврда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фаолият юритаётган барча тур ва шаклдаги корхоналарнинг барқарор ривожланишига қаратилганидир. Шу жиҳатдан, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, диверсификациялаш, молиялаштириш, инвестициялаш, замонавий техника ва рақамли технологияларни жалб этиш баробарида улар фаолиятида маркетинг хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ҳар қандай соҳа, шу жумладан, олий таълим тизими олдида турган ҳамда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда таълим тизимини, жумладан олий таълим тизимини модернизациялаш, уни янги босқичга кўтариш асосида креатив фикрловчи